





# «ЎЗБЕКИСТОН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФАОЛ ВА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТМОҚДА?»

Трансформация жараёнида давлат ресурслари тақсимловчи эмас, балки бозорнинг драйвери ва тартибга солишчи бўлиб бормоқда. Бу ташқи омиллар таъминлаш бартараф этиш, ижтимоий фаровонликни таъминлаш ва ижтимоий ҳимо тизимини яратиш имконини беради.

Бандлик, саноат, экспорт ва энергия самардорлиги — айнан мана шу тўрт вазифа Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотларнинг марказида турибди.

Тобора ривожланаётган Ўзбекистон ушбу ресурслардан иқтисодий ўсшини таъминлаш йўлида фойдаланиши мумкин. Мутахассислар маълумотларига кўра, 2017 йили республикада 23 миллионга яқин меҳнатга лаёқатли кишилар бўлган бўлса, 2030 йили бу кўрсаткич яна тўрт миллионга ортади ҳамда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг йирик давлатларидан бирига айланади.

Яқин-яқингача асосий иш ўринлари қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасида яратиларди, иқтисодиётда эса давлат қороналари устувор аҳамият касб этарди. Шу сабабли самарасиз давлат компанияларидан воз кечиш вақти келди.

Экспорт ҳақида фикр юритганда, мутахассислар жажон коммуникацияларидан узоқлик Ўзбекистонга «маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш занжирини»га интеграциялаштириши

қийинлаштириганини таъкидлайдилар. Республикадаги ишбилармонлик муҳитининг яхшилаиб бориши билан ўзбек товарлари ва хизматлари Фарбий Европа ва Шарқий Осиё бозорларига етказиб берилиши йўлга қўйилмоқда.

Шу ўринда энергетик самардорлик ҳам низоҳатда муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда амалга оширилган зарур чора-тадбирлар орасида қиммат саноатини ҳамда нефть-кимё тармогининг модернизация қилинган алоҳида кўрсатиб ўтилади.

Маърузанинг иккинчи қисмида экспертлар Ўзбекистоннинг иқтисодий тартиқли ва фаровонлигида муҳим ўрин тутиши мумкин бўлган тўрт соҳани ажратиб кўрсатадилар.

Денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган сабабли Ўзбекистон учун, биринчи навбатда, ҳаво катнови («air connectivity») ҳал қилувчи аҳамият касб этарди. Автомабиль ҳамда темир йўл транспортини самардорлик ва вақтни тежаш нуктаи назаридан ҳаво йўлларидан сезиларли даражада орқадарид. Бу, айниқса, ташқи бозорларга қимматбахо ҳамда сифати тез бузиладиган маҳсулотларни етказиб беришда низоҳатда муҳимдир. Муаллифлар Ўзбекистон Президентининг виза тартибини либераллаштириш ва фуқаро авиациясини тубдан тақомиллаштиришига оид қабул қилган ҳужжатларини ижобий баҳолайди. Сўнгги вақтда Ўзбекистонда

«рақамли иқтисодиёт» изчил шаклланиб келмоқда. Мазкур иқтисодиёт учун универсал ҳамда арзон инфратузилма яратиш қатъий ислохотлар ва салмоқли инвестицияларни таллаб қилиши аён. Функцияларни тақсимлаш ҳамда давлатнинг мамлакат ҳаётидаги иштирокини камайитириш орқали янги иқтисодиётни куриш мумкин.

Кимё саноати улкан салоҳиятга эга манбадир. Бой табиий ресурсларга эга Ўзбекистон жажон бозорига муҳим ўрин тутади. Углекислота газлари чиқаришни камайитириш мақсадида республика кимёвий қорхоналар модернизация қилинмоқда. Ушбу жараёнда хорижий компаниялар ҳам иштирок этаётгани эътиборга моликдир.

Мазкур тармоқнинг замон талаблари даражасига келтирилиши Ўзбекистоннинг рақобатдошлигини оширади ва уни энергетик жиҳатдан самарали мамлакатга айлантиради.

Агрисаноат улкан яширин имкониятлар оламида, деб ёзади муаллифлар. Республика ҳар йили қариб бир миллиард долларлик мева ҳамда сабзавотларни экспорт қиладиган асосий истеъмолчилар Қозғис-тон ва Россия бўлиб қолмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат ўзининг юқори сифатли маҳсулотларини Европа ҳамда Шарқий Осиё бозорларига экспорт қилиш учун барча имкониятга эга. Ўзбек мева ва сабзавотлари харидориги.

Authors

**Lilia Burunciuc**  
Country Director, Central Asia - World Bank

**Wolfgang Fengler**  
Lead Economist, Trade and Competitiveness - World Bank

[wolfgangfengler](#)

**Wiebke Schloemer**  
Regional Director, Europe and Central Asia - IFC

**Daria Taglioni**  
Principal Country Economist - IFC

Хулоса ўрнида муаллифлар Ўзбекистонда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар катта фойда келтиришини прогноз қиладди. Албатта, кўзланган ўзгаришларни ҳаётга татиқ қилиш осон эмас, улар низоҳатда катта масъулият ва қатъий чора-тадбирларни талаб этади. «Пировардида Ўзбекистон рақобатбардощ, очик ва фаровон жамият қура олади», дейилади таҳлилий мақолада.

**Анвар МИРЗАЕВ**  
(«Халқ сўзи» таяёрлади.)

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ ОРТАДИ

Инвестиция дастурлари иқтисодиётнинг асосий ҳужжатларидан бири саналади. Ҳар йили мамлакатимизда ана шундай дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга татиқ этилиши инвестиция сиёсатини тубдан тақомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.



Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айнан шу мақсадларни қамраб олади. Оз эмас, кўп эмас, 18 та иловага эга ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон тартиқли ва устувор ўрин тутадиган энг муҳим йўналишларга ажратиладиган маблағлар белгилаб берилди.

Айтиш ўринлики, келгуси йил дастурларидаги капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 137,7 трлн. сўмни ташкил этиб, уларнинг 112,3 трлн. сўми ёки 81,5% қисми аниқ манзилли равишда йўналтирилади.

Молия вазирлиги бошқарма бошлиги ўринбосари Жамшид Ярашевнинг таъкидлашича, марказлашган инвестицияларнинг ҳажми 2019 йилда жорий йилдагига нисбатан 32% ошди, шунингдек, марказлашмаган инвестициялар ҳажми эса 67% ошди. Бу эса ушбу йўналишдаги ишлар қўламини ва сифатини янада орттириш имконини беради.

Энди янги йилда жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳақида тўхталаск. Хусусан, 2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши 4,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Бу жорий йилдагига нисбатан 1,4 баравар ортди, дегандир. Йўналтириладиган ушбу маблағлар нефть ва газ соҳаси, озиқ-овқат саноати, металлургия, курилиш материаллари ишлаб чиқариш сингари 321 лойиҳани қамраб олади.



Тўқимачилик маҳсулотлари, Вобекенда жинси кийим-кечаклар ва кроссовкалар, Музабротда қамишдан ДСП маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш ва реконструкция каби мақсадларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу каби 801 объект қурилишига 12,4 трлн. сўм

маблағ йўналтириладиган бўлади.

Бундан ташқари, 2019 йилда Андижон — Савай — Хонобод темир йўл участкасини модернизация қилиш, метрополитеннинг Юнус-обод ҳамда Сергели йўналишларини яқунлаш, ўз навбатида, 81 лойиҳани амалга ошириш ҳисобидан 290,5 км. автомобиль йўларида қурилиш ва реконструкция ишларини бажариш ҳам кўзда тутилмоқда.

Янги йилда ижтимоий соҳаларда ҳам катта лойиҳалар рўёбга чиқарилади. Жумладан, айнан ижтимоий соҳалардаги 1277 та объект қурилиши учун 5,6 трлн. сўм маблағ ажратилади. Бу кўрсаткич жорий йилдагидан қариб 1,5 баравар кўлдир.

— 450 га яқин мактабгача таълим муассасалари, 500 дан зиёд умумтаълим мактаблари, шунингдек, 240 га яқин соғлиқни сақлаш объекти қурилиши куриши, таъмирлаш ва жиҳозлаш режалаштирилган. — дейди Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бош мутахассиси Зариф Олимжонов.

Халқимизда «Пул — пул-

ни топади, шароит — йўлни», деган ибора бор. Муҳими, топиладган пул ҳам, унинг ортдан ақилланган шароит ҳам, юқоридан келтирилган рақамлар ҳам халқнинг розилигига эришиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қиладди.

**Бош прокуратура хузурдаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ таяёрлади.**

## НИМАГА ТўЛАЯПМИЗ ЎЗИ?

Бу савол Урганч шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари томонидан бот-бот янграмоқда. Сабоби, уларнинг қўпчилиги у ердаги деҳқон бозори ва йирик савдо мажмуалари яқинидаги пулли автотураргоҳларда шундай англашилмовчиликка дуч келишмоқда.

### Таассуф

Маълумки, бундай жойларда автотомобиллар хаммиша кўп бўлади. Ҳар бир ҳайдовчи машинасини қўйгани учун пул тўлайди ва шу бўлиши унга қватанасига берилади. Тасдиқланган прејскурант (нахнома) бўйича бундай хизматнинг бир соатлик нархи 2500 сўм. Бироқ қватанасига автоураргоҳга кириш ва у ердан чиқиш вақти қайд этилмапти. Ҳатто хизматларни касса чекини бермасдан кўрсатиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

— Шахарга ҳар қуни ишга келаман ва тураргоҳ хизматларидан фойдаланаман, — дейди Боғот туманилик А. Жуманиёзов. — У пулли бўлса ҳам, бу ерда на санитария меъёрлари, на ёнгин хавфсизлиги, на машиналарни жойлаштириш тартибига риоя этилади. Белгилаш ва ширалар, пластик карточкалар учун терминаллардан асар ҳам йўқ. «Урганч савдо уйи» МЧЖ олдида-

# АЖРИҚ ИЛДИЗИДАН ҚАҲВА ОЛИШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ. АММО...

Ушбу маҳсулот саратонга даво бўлиши мумкин. Аммо таассуфки, мазкур инновацион гоғани амалга ошириш учун маблағ йўқ. Шу боис лойиҳа муаллифлари, уч ойдан бери ҳали у эшикка, ҳали бу эшикка бош сўқиш билан овора. Инноваторлар билан суҳбатимиз ҳам ана шу мавзуда бўлди.

### Ташаббус

— Аслида, юртимиздаги ҳар бир гиёҳ фойдали хусусиятга эга. Ҳатто ёввойи турлар ҳам, — дейди Чиноз тумани «Экодунё» фермер хўжалиги раҳбари Дилноза Йўлдошева. — Маълумки, ажриқ қишлоқ хўжалиги катта зарар етказувчи ёввойи ўт ҳисобланади. Деҳқон ва фермерларимизни қийнаётган муаммолардан бири ҳам айнан экин майдонларини ажриқдан тозалаш, десак, янглишмаган бўламиз. Бироқ ушбу зарарли ўсимликдан ҳам фойдали маҳсулот олиш мумкин.

— Ажриқ томирдан олинмаган қаҳва шифобахш хусусияти билан эътиборли, — дейди ушбу гоғ муаллифларидан яна бири Гулжаҳон Мавлонова. — Уни ҳар қандай ёшда истеъмол қилиш мумкин. Таркибидаги табиий моддалар қувватбахшдир. Буюк аллома Ибн Сино айтганидек, дори овқат каби бўлиши керак, овқат эса доридек. Ажриқ томирдан олинмаган қаҳва айна шу таърифа мос. Табиғийликим боис, ўсимликларга эътиборим, меҳрим бўлақча. Ҳар қандай зарарли ўтда ҳам фойдали жиҳат кўраман.

## Янги қонунлар СОЛИҚ ТИЗИМИ ТУБДАН ИСЛОХ ЭТИЛМОҚДА

Шу ҳафта бошида Президентимиз томонидан «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун имзоланди.

Маълумки, мамлакатимизнинг солиқ тизими йил бошидан буюн кенг жамоатчиликнинг фаол муҳокамасида бўлди. Бунинг натижасида солиқ концепцияси ва юқорида қайд этилган Қонун қабул қилинди.

Ҳақли савол туғилади — нега энди мамлакат солиқ тизими тубдан ислоҳ этилмоқда?

Таъкидлаш жоизки, кейинги йиллар давомида олиб борилган солиқ сиёсати мавजूд солиқ қонунчилиги ва амалиёти билан маълум ўзгиришлар вужудга келишига сабаб бўлди. Натижада қонунчиликда белгиланган солиқ тизимининг адолатлилиги, мажбурийлиги, аниқлиги каби тамойиллари амалда тўлиғича бажарилмағи қолди.

2019 йил 1 январдан қучга қирадиган мазкур ҳужжат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, бизнес юритиш соҳасида катта аҳамиятга эга. Унда белгиланган нормалар юртимизда олиб бориладиган солиқ сиёсатини тубдан ислоҳ этиб, уни янги босқичга олиб чиқади. Айни вақтда жойларда тадбиркорлик ва бизнес юритишда мавजूд бўлган муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий соҳаларга йўналтириладиган маблағларнинг манзиллилигини таъминлашни назарда тутарди.

Айтиш мумкинки, мазкур Қонун билан 2019 йил 1 январдан юридик шахсларнинг айланмасидан давлат мақсадида жамғармаларига мажбурий ажратмалари ҳамда фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган сўғурта бадаллари тўланмайди.

Солиқ имтиёзлари алоҳида ҳолларда Вазирлар МаҲкамасининг қарорларида ҳам назарда тутилиши мумкин. Авваллари имтиёзлар фақат Солиқ кодексига, қонунларда ҳамда Президент қарорларида белгиланган. Эндиликда йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботи-ни Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудларо давлат солиқ инспекция-сига тақдим этади. Илгари солиқ ҳисоботи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига тақдим этилган.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган суммани бошқа турдаги солиқ бўйича қарзни узиш ҳисобига, бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ёки бошқа турдаги солиқлар бўйича кел-гуси тўловлар ҳисобига ўтказиш Молия вазирлиги қарорчилиги томонидан амалга оширилади. Бундай имтиёз ав-валлари умуман белгиланмаган. Бу ҳаракат тегишли молия органлари томонидангина амалга оширилган.

Солиқ кодексида киритилган ўзгаришлар қаторида янги солиқ назорати шакллари жорий қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Янги татиқ этиладиган қонунчилик-

**Одилжон ИМИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Сенати аъзоси.

ойлари оралиғида — ажриқ ниш ўрмасдан териб олиниши керак. Қўқаришга улгурган ажриқ илдиэидан эса қаҳва тайёрлаб бўлмайди...

Табиий маҳсулотга ҳар жойда эҳтиёт бор. Фермерлар ушбу маҳсулотни кейинчалик экспорт қилиниши ҳам режалаштирган.

Ажриқ илдиэидан қаҳва тайёрлашнинг ўзлаштирилишини чиндан ҳам катта воқеа сифатида баҳолаш мумкин. Бу лойиҳанин рўёбга чиқиши орқали нафақат қишлоқ хўжа-лиги экин майдонларининг сифати яхшиланади, балки инсон саломат-лиги, иқтисодиёт учун ҳам катта фойда келтириши мумкин. Ёрни одамларнинг бандлиги таъминла-нади, мавсумий иш ўринлари очил-лади. Муҳими, келгусида маҳсулот-лар жажон бозорига чиқса, экспорт-дан валюта келиб тушади. Лекин афсуски, зарур маблағ йўқлиги боис мазкур гоғани амалга ошириш чўзилиб кетмоқда. Ушбу масалага Инновацион ривожланиш вазирли-ги ҳамда бошқа мутасадди ташки-лотлар ижобий ечим топади, де-ган умиддамиз. Биз мавзуга яна қайтамиз...

**Фазлиддин АБИЛОВ,**  
Юлдуз УРМОНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

O'ZBEKISTONDAGI  
**XALQARO**  
KO'RGAZMALAR 2019

BAHOR	27 fevral — 1 mart «O'zeksposmarkaz», Toshkent	UzBuild Tashkent BuildTech AQUA THERM	QURILISH QURILISH TEXNIKASI VA TEKNOLOGIYALARI ISITISH, HAVO ALMASHTIRISH VA SUV TA'MINOTI KO'RGAZMASI
	13 — 15 mart «O'zeksposmarkaz», Toshkent	ogroworld	QISHLOQ XO'JALIGI
	3 — 5 aprel «O'zeksposmarkaz», Toshkent	UzFood	OZIQ-OVQAT SANOATI
	16 — 18 aprel «O'zeksposmarkaz», Toshkent	TIHE SINAROLOOY APTEKAEKSP	SOG'LIQNI SAQLASH STOMATOLOGIYA FARMATSEVIKA SANOATI
	24 — 26 aprel «O'zeksposmarkaz», Toshkent	mebel	ISHLAB CHIQARISH TEXNOLOGIYALARI. YOG'OCHNI QAYTA ISHLASH. MEBEL VA INTERYER
KUZ	15 — 17 may «O'zeksposmarkaz», Toshkent	OGU PETRO	O'ZBEKISTON NEFT VA GAZI ENERGETIKA
	11 — 13 sentabr «O'zeksposmarkaz», Toshkent	UZBEKISTAN TEXTILES	TO'QIMACHILIK VA MODA SANOATI
	9 — 11 oktabr «O'zeksposmarkaz», Toshkent	plastex OZUPACK	PLASTMASSALAR SANOATI QADOQLASH VA BOSMA ISHLARI TEKNOLOGIYALARI VA USKUNALARI
	5 — 7 noyabr «O'zeksposmarkaz», Toshkent	miningmetals TransLogistics	TOG'-KON ISHI, METALLURGIYA VA METALGA ISHLOV BERISH TRANSPORT VA LOGISTIKA
	20 — 22 noyabr «O'zeksposmarkaz», Toshkent	securex	QO'RILASH, XAVFSIZLIK VA YONG'INGA QARSHI HIMOYA

\*Sanalar o'zgarishi mumkin

**Iteca** EXHIBITIONS  
+998 71 205 18 18 post@iteca.uz @itecaExhibitions  
+998 71 237 22 72 www.iteca.uz @iteca

«Iteca Exhibitions» kompaniyasi  
xalqaro ko'rgazmalarining  
hurmatli ishtirokchilari!

Kompaniyamiz nomidan barchangizni  
kirib kelayotgan Yangi — 2019 yil bilan  
samimiy muborakbod etamiz!  
Siz va yaqinlaringizga mustahkam sog'liq,  
tinchlik-xotirjamlik va  
biznesingizga rivoj tilaymiz.  
Yangi yildagi ko'rgazmalarda ko'rishguncha!

«Iteca Exhibitions»

#Bizning tadbirlar oddiylardan ziyodroq.

«БИЗ СЕН БИЛАН БИРГАМИЗ!»

Ана шундай шиор остида байрам тадбирлари ташкил этилмоқда.

...Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонлари шиғохоналарга кириб борар экан, мурғак кўзларда ҳаёт жонлангани, севинч порлагани сезилди. "Меҳр-муруват ойлиги" доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан Янги йил муносабати билан бошланган лойиҳа тиббиёт муассасалари ҳамда шиғохоналарга байрамона шуқуқ олиб кирмоқда.

**Ғамхўрлик**

Мақсад бемор болалар ва уларнинг оилаларини руҳан, маънан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга кўтаринки кайфият улашишдан иборат.

— Муассасамизда ҳам ушбу байрам кўтаринки руҳда ўтди, — дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва

радиология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори Матлуба Абдуҳақимова. — Бўлимимизда тўрт ойлик чақалокдан тортиб ўн саккиз ёшгача бўлган ўғил-қизлар даволанади. Бундай тадбирлар беморларнинг соғлиғига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Негаки, хурсанд бўлган болада адреналин ошади, кулги рефлексига фаоллашади, иммун тизими яхшиланади, натижада хасталик бир қадар чекинади. Мана

шундай тадбирлар кўпроқ бўлишини истар эдик.

Дастур мобайнида бемор болаларга, шунингдек, кам таъминланган, ноғиронлиги бўлган ёшларга ҳам байрам совғалари тақдим этилди.

— Олти ёшли ўғлим Абдурахмонга суяк емирилиши ташхиси қўйилган эди, — дейди Шахло Полвонова. — Икки ойдан буён даволанади. Илк келган кунига нисбатан ижобий ўзгаришлар аста-секин сезилмоқда. Айниқса, бугун Қорбобо ва Қорқиз ташрифидан юзиде табассум кўриб, бошим осмонга етди. Тадбир ташкилотчиларидан миннатдоримиз.

Юлдаз ЎРМОҢОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**  
Беларусь Республикаси



Расмий дистрибьютор  
Тошкентдаги омбордан  
таклиф этади.

Тел.: 93-555-00-95,  
93-555-12-88,  
71-291-68-94.  
www.mazd.by  
E-mail: maztashkent@mail.ru

REQUEST FOR EXPRESSIONS OF INTEREST  
(CONSULTANT SERVICES)

Republic of Uzbekistan  
Technical Assistance Grant for Imam Bukhari International  
scientific-research center  
Consultancy Services for Preparation of Financial Sustainability of  
Imam Bukhari International scientific-research center

Imam Bukhari International scientific-research center has obtained a grant from Islamic Development Bank, and intends to apply a part of the proceeds for the above stated consultant services.

Imam Bukhari International scientific-research center invites eligible consultants to indicate their interest in providing the above stated services. Interested consultants must provide specific information, which demonstrate that they are fully qualified to perform the services (brochures, description of similar assignments, experience in similar conditions, availability of appropriate skills among staff, etc.). Experience in the following area or tasks shall be the minimum requirement for the assignment:

Preparation of Financial Strategy for Non-Governmental Agencies (NGO), and develop Financial operating models for self-supporting activities.

A preliminary Terms of Reference (TOR) is attached for information.

Consultants may express interests in the forms of association, validated by an agreement among members of the association, which clearly specifies the type of association, i.e. a joint-venture, intermediate forms of association, or sub consultancy.

A consultant will be selected in accordance with the procedures set out in the Guidelines for the Use of Consultants under Islamic Development Bank Financing (current edition).

A shortlist of six consultants will be selected from list of consultants, who express interest in the assignment. The shortlisted firms will be invited to submit Technical and Financial Proposals, and the selection will be done following "Quality and Cost Based Selection (QCBS)".

Interested consultants may obtain further information at the address below during office hours. Expressions of interest must be delivered to the address below by **10 January 2019** through the e-mail.

141306, The Republic of Uzbekistan, Samarkand region, Payarik district, Khoja Ismail town. Imam Bukhari international scientific-research Center  
E-mail(s) : bukharicenter@gmail.com and copy to otobekmuhammad@gmail.com  
Telephone numbers: 93-598-87-42, 94-286-09-79.

Ушбу жойда  
**СИЗНИНГ** рекламаниз  
бўлиши мумкин эди!

**«Халқ сўзи»даги Реклама**  
БИЗНЕСИНИГИЗНИ Қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотлари юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятта келган қўлабмақаллар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — Р. Шеркулов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6